



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 8 март, № 50 (8112)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ



МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

Аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларга ғамхўрлик қилиш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми саналади. Улар бежиз ёшариш ва янгилашни фасли — баҳорга қиёсланмайди. Мамлакатимизда лобар, иродали, ишбилармон, истеъдодли хотин-қизлар доимо эътироф этилиб, эъзозланади.

Халқаро конгресс марказида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

аёлларни самимий табриклаб, уларга юксак эҳтироми-ни билдирди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ва мўътабар онахонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Дилбар қизларим!

Шуқуҳи ва қувончи тамоман ўзгача бўлган бугунги тантанамизда иштирок этаётган сиз, нафосат олами вакиллари-ни, бутун мамлакатимиз аёлларини Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайман. Барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни ва энг эзгу тилакларимни билдираман.

Аввало, оилангиз ва яқинларингиз бахтига, қолаверса, аёл қадрини эъзозлаб яшайдиган эл-юртимиз бахтига соғ-омон бўлишингизни, доимо мана шундай гўзал баҳорий кайфиятда юришингизни тилайман. Муҳтарам юртдошлар!

Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганининг улғу неъматини, тенгсиз мўъжизаси, деб билади, уни ҳамиша ардоқлаб-асраб яшайди. Юртимиз заминидagi “Бибихоним”, “Қизбиби”, “Модарихон”, “Қирққиз” мажмуаси каби табарруқ меъморий обидалар ҳам ана шундай азалий юксак эътибордан далолат беради.

Айни пайтда биз инсоният тараққиётига унутилмас ва бекиёс ҳисса қўшган

буюк аждодларимизни дунёга келтириб, меҳр билан тарбиялаган, уларни улғувор ишларга руҳлантириб, камарбаста бўлган фозила аёлларимиз билан албатта фахрланамиз.

Маълумки, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади.

Халқимизни рози қилишдек олий мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг юнуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Шу ўринда эътиборингизни айрим мисолларга қаратмоқчиман.

“**Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди**” деган эзгу тамойил асосида, 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга иқтисодий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Хусусан, 18 мингга аёлларга уй-жой харид қилиш учун 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Бокучисини йўқотган аёл-

ларнинг фарзандлари учун боғча харажатларини бюджетдан қўллаш тартиби жорий этилди.

Яна бир муҳим рақамга эътибор беринг. Фақатгина 2021 йилнинг ўзида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд кредит ва субсидиялар ажратилди. Натижада 320 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз доимий иш ва даромадга эга бўлдилар.

Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам эътиборга молик ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, 2021 йилда эҳтиёжманд оилаларга мансуб 2 мингдан зиёд қизлар олийгоҳларга давлат гранти асосида қабул қилинди, яна шунча талаба қизларга контракт пуллари тўлаб берилди.

Аёллар таълимига алоҳида эътибор бераётганимиз туфайли ўтган йили олий ўқув юртиларига қабул қилинган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

Агар бундан олти йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар қизларимиз тахсил олишган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 400 минг нафарга етди ёки уларнинг улуши 2016 йилдаги 38 фоиздан айни

пайтга келиб қарийб 50 фоизга етди.

Бу натижалар ҳам ушбу йўналишдаги ислохотларимизнинг амалий ифодаси, десам, ўйлаيمانки, сизлар ҳам фикримга қўшилсангизлар.

Ҳар қандай халқнинг етуқлик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, оқила ва ўқимишли оналар миллатнинг буюк келажигини яратишлари ҳаммамизга яхши аён. Шу боис дошимандлар:

“**Битта қиз болани ўқитсангиз — бутун оилани ўқитган бўласиз**”, деб бежиз таъкидламаганлар.

Қизларимизнинг замонавий билимлар ва касб-хунар эгаси бўлиб, жамиятда ҳамда ўз оиласида муносиб ўрин топиши учун бошлаган ишларимизнинг бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз. Бу борада, аввало, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган **Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури**ни қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат доирасида пойтахтда хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда унинг техникумларини ташкил этамиз. Барча талаба қизларга таълим контрактларини тўлаш учун 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш тартиби жорий қилинади.

Ушбу ишларимизнинг мантикий давоми сифатида илмий изланиш ва кашфиётлари билан юртимиз равнақиға катта ҳисса қўшиб келаётган олимпиадаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз.

Маълумки, бугунги кунда опа-сингилларимиз орасида ўнлаб академик ва профессорлар, фан докторлари ва фан номзодлари, юзлаб истеъдодли тадқиқотчилар бор. Илм-фан билан шуғулланиш, илмий янгилик яратиш — бу игна билан қудуқ қазишга баробар.

Мен ўзим шу соҳадан чиққанам учун бу ишнинг нақадар қийин ва мураккаб эканини яхши биламан. Шунинг учун ҳам оила таъвишлари ва фарзанд тарбиясини илмий тадқиқот билан бирга олиб бораётган, бу борада амалий ютуқ ва натижаларга эришяётган олимпиадаларни шахсан мен чинакам матонат ва жасорат соҳибалари деб биламан ва юксак қадрлайман.

Зукко ва билимдон хотин-қизларнинг илм-фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқини ошириш мақсадида биз бир қанча муҳим чора-тадбирлар белгиладик. Жумладан, келгуси ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган барча қизлар-

нинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қўллаб бериш учун ҳар йили 200 миллиард сўм маблағ йўналтирилади; докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Бу ишларни тизимли равишда ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузурида “Олимпиадалар жамияти” тузилади. Ушбу жамият мамлакатимизда ва хорижда илм-фан соҳасида юксак ютуқларга эришяётган олимпиадаларимизни жиғлаштириб, уларнинг ақл-заковат нури ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасига кириб бориши учун ўзига хос парвоз майдонига айланади.

Заҳматқаш олималарнинг машаққатли ва шарафли меҳнатини муносиб рағбатлантириш, улар учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиш мақсадида “Олимпиадалар жамияти”га ҳар йили 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Умуман олганда, юқорида айтилган барча мақсадларга жорий ва келгуси йил учун 1,8 триллион сўм йўналтирилади.

(Давоми 2-бетда).



ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 март куни Тошкент шаҳрида режалаштирилган қурилиш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тақдимоти билан танишди.

Маълумки, 2025 йилда Тошкент шаҳрида Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари ўтказилади. Унга қўшамиздан кўллаб спортчи ва мураббийлар, мухлислар, журналистлар келади. Бу нуфузли мусобақани юқори савияда ўтказиш мақсадида пойтахтимизнинг Яшнобод туманида Олимпия шаҳарчаси қурилиши режалаштирилган. Унинг лойиҳаси Англиянинг “Agur” муҳандислик компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Лойиҳага кўра шаҳарча марказида олимпия стадиони, унинг икки ёнида ёпиқ спорт мажмуалари, сув спорти саройи, машғулот майдончалари, эшак эшиш ҳавзаси барпо этилади. Барча шароитлар Осиё Олимпия кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ бўлади. Маъмурий бино, ётоқхона, музей ва ҳўжалик объектлари ҳам қурилади.

Мусобақалардан ташқари вақтда шаҳарча ўқув-машғулот базаси бўлиб хизмат қилади. Бу ерда Олий спорт маҳорати институти, спорт федерациялари ва соҳадига бошқа муассасалар фаолият олиб боради.

Яна бир муҳим жиҳат: шаҳарча жойлашадиган Янги Ўзбекистон кўчаси бўйлаб дарактлар экилиб, сайилқаб ташкил этилади. У ер аҳоли учун очик бўлиб, сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш мумкин бўлади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳанинг қиймати, спортчи ва томошабинлар учун яратиладиган қулайликларни сингиллаб сўради. Мутасаддиларга ишлар ҳажми ва зарур маблағ миқдорини йилма-йил ҳисоб-китоб қилиб, аниқ режа шакллантириш, қурилиш бўйича тендер эълон қилиш юзасидан кўрсатмалар берди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси-

ни амалга ошириш бўйича йиғилишда Президентимиз йўл чекларидида гуллайдиган ва барги рангли дарактлар экиш мақсадида мувофиқлигини айтган эди. Тақдимотда шу борадаги режалар кўриб чиқилди.

Бунинг учун Тошкент шаҳрининг Ки-чик халқа йўли, Мустақиллик, Навоий, Исом Каримов, Афросиёб, Шахрисабз, Ойбек, Бобур каби 21 та кўчаси танлаб олишган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 400 минг нафарга етди ёки уларнинг улуши 2016 йилдаги 38 фоиздан айни

пайтга келиб қарийб 50 фоизга етди. Бу натижалар ҳам ушбу йўналишдаги ислохотларимизнинг амалий ифодаси, десам, ўйлаيمانки, сизлар ҳам фикримга қўшилсангизлар.

Ҳар қандай халқнинг етуқлик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, оқила ва ўқимишли оналар миллатнинг буюк келажигини яратишлари ҳаммамизга яхши аён. Шу боис дошимандлар:

Ў.А.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ, ОЗИҚ-ОВҚАТ БОЗОРИНИ ТЎЛДИРИШ ВАЗИФАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 7 март куни видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тармоқ ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича жорий йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш борасида ҳукумат томонидан кўрилатган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг январь-февраль ойларида 687 миллион доллар хорижий инвестиция, шу жумладан, 615 миллион доллар тўридан-тўғри сармоя ўзлаштирилган. Йил бошидан 506 та лойиҳа доирасида умумий қиймати 337 миллион доллар бўлган қувватлар ишга туширилиб, 7 мингта янги иш ўрни яратилган.

Ўтган икки ойда товар ва хизматлар экспорти ҳажми 1,7 миллиард доллардан ортиб, 2021 йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоиз ошган. Хусусан, мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари экспорти қарийб 2 баравар, электротехника маҳсулотлари экспорти 1,5 баравар, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 1,3 баравар ўсган.

Йиғилишда тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларига инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш, товарларни экспортга етказишда логистика масалаларини тезкор ҳал қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари икки истеъмол бозорида нархлар барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталди.

Жорий йилнинг икки ойда инфляция даражаси 1,38 фоизни ташкил этгани, бу 2021 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан (1,7 фоиз) пастлиги қайд этилди.

Айни пайтда глобал бозорлардаги нархларнинг кескин тебранишини ҳисобга олиб, мутасадди идоралар ва ҳудудлар раҳбарларига икки бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш, энг аввало, аҳолини етарли

миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш лозимлиги таъкидланди.

Президент томоққа ҳўжалиқларини ривожлантириш ва уларда икки бозорда талаб юқори бўлган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун аҳолига қўшимча 80 минг гектар ер майдонлари ажратиш борасидаги ишларга таъкид қилиб баҳо берди.

Шунингдек, мева-сабзавотчилик учун ажратилган 2 триллион сўм давлат маблағларининг натижадорлигини ошириш, уларни ўзлаштиришни тезлаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Худудлар раҳбарларига озиқ-овқат бозорига маҳсулотларни узлуксиз етказиш, бунинг учун зарур заҳираларни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Ў.А.

АЁЛ ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БАРҚАРОР БЎЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хурматли йиғилиш қатнашчилари! Хабарингиз бор, яқинда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган йиғилишда ҳам бу борада олдимизда турган энг муҳим масалаларни атрофлича муҳокама қилиб олдик. Шу асосда муҳим Фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ушбу вазифаларни тизимли ва самарали амалга оширишни таъминлаш мақсадида Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва оила бўйича ўринбосарлари ҳам қўмита тизимига ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди.

Шу тарика опа-сингилларимизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шугулланадиган адолатли ва самарали тизим яратилди.

Энди мамлакатимизда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ёндашувлар ҳам тубдан қайта қўриб чиқилади. Жумладан, эҳтиёжманд аёлларга зарур шароитлар яратиш, хотин-қизлар саломатлигини тиклаш ва муҳофаза қилиш, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг касб-хўнара эгаллашига қўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида ишлаётган хотин-қизлар сонини янада кўпайтириш мақсадида “Бизнесчи аёллар” дастури қабул қилиниб, унинг доирасида 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Шунингдек, жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилади. Бу муҳтож аёлларни 12 мингта қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради.

Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг қўламли ишлар ихроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Барча ҳудудларимизда жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган “Оқила аёллар” ҳаракатини сизлар билан бирга ташкил этсак, бу эзгу ҳаракат том маънода жамиятимиз овозига, маҳалла виждонига айланади, деб ўйлайман.

Шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун “Аёллар кенгашлари” тузилмоқда.

Бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг ҳақлари, ҳақдорлиги, ҳақдорлиги — бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир.

Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фарштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу

ўн та яхшилик бўлиб қайтади. Дуоғўй момоларимиз, муштира оналаримиз ва азиз опа-сингилларимиз бу эҳтиром ва эътиборнинг албатта қадрига етадилар. Аёл қадри, инсон қадри улуғланган юртда эса, тинчлик ва фаровонлик, аҳлилик ва барака албатта барқарор бўлади.

Хурматли байрам тадбири қатнашчилари! Ҳозирги кунда хотин-қизлар мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг, халқчил ислохотларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчисига айланиб бораётган барчамизни қувонтиради.

Биз республикаимиз бошқарув тизимида, парламент ва маҳаллий Кенгашларда, турли соҳаларда билимдон ва фидойи опа-сингилларимизнинг улушини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратамиз. Уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада кучайтириш бундан бўён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, она Ватанимиз равангчи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган сизлар каби минг-минглаб жонқур аёллар, фаол қизларимизга ўз номидан, бутун халқимиз номидан чўқур миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Шу билан бирга, бугунги файзли даврамизда иштирок этаётган дипломат хонимларни — хоржий давлатларнинг хурматли элчилари ва халқро ташкилотлар вакилларини ҳам чин дилдан самимий қут-

лайман. Сизларга ўзаро манфаатли ва кўп қиррали муносабатларимиз ривожига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур изҳор этаман.

Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг Марказий Осиё масалалари бўйича махсус вакили Наталия Герман хоним олияларини бугунги байрамда иштирок этаётганликлари учун алоҳида миннатдорлик билдираимиз. Бугунги байрам билан ушбу меҳмонимизни ҳам самимий табриклаб, минтақамизда яқин қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Азиз опа-сингиллар! Биз жонахон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу ва шарафли йўлда, энг аввало, оиланинг муқаддас қадриятларига ва чин мураббий бўлган оналаримизнинг теран маънавиятига таянамиз.

Шу боис мен сизларга мурожаат этиб айтмоқчиман.

Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун янги тарихий даврга қадам қўйдик.

Фарзандларимиз қалбига улуг мақсадлар, олижаноб гояларни сингдириш — барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир.

Юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб

вояга етказиш албатта сизларга боғлиқ. Бу — ёруғ келажакка йўналтирилган энг катта инвестиция ва битмас-туганмас бойликдир.

Шу ўринда шиқоатли ва дилбар қизларимга ҳам кўнглимдаги бир фикрни айтмоқчиман.

Бугун биз эркин ва очик жамиятда яшамокдамиз. Бу имкониятдан тўғри фойдаланиб, давр билан ҳамқадам бўлишимиз, замонавий илм ва касб-хўнараларни эгаллаб, илғор тараққиёт ютуқларини ўзлаштиришимиз, айна вақтда миллий ўзлигимизга содиқ қолишимиз керак. Сизлар эл-юртимизнинг ана шундай юксак умиди ва ишончига муносиб бўласизлар, деб ишонаман.

Қадрли ватандошлар! Маълумки, турли соҳаларда ўз иқтидорини намоён этиб келаётган истеъдодли қизларимизни ҳар йили мана шу қутлуг байрам арафасида Зулфия номидаги Давлат муқофоти билан тақдирлаш яхши анъанамизга айланган.

Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилиб, совриндорлар сафида турган яна 28 нафар зукко фарзандларини қўриб, қалбим чексиз фахр ва қувончга тўлмоқда. Сизлар каби юксак марраларга интилувчан қизларимни чин юракдан табриклаб, намунали фаолиятингиз ва етакчилик фазилатларингиз билан тенгдошларингизга ўрнат бўласизлар, деб ишонаман.

Шунингдек, ушбу файзли лаҳзаларда кўп йиллар давомида давлат ва жамият

ҳаётида фаол иштирок этиб, фидойи меҳнати билан ўз соҳасида катта ютуқ ва натижаларга эришаётган бир гуруҳ аёлларимизни юксак давлат муқофотлари билан тақдирлаймиз.

Сизларнинг ҳар бирингиз ўз ғайрат-шижоатингиз, тафаккур ва тажрибангиз билан Янги Ўзбекистонимиз равангчи ва она халқимиз фаровонлиги учун бекиёс хизмат қилмоқдасиз.

Эл-юрт эътибори ва чексиз меҳрини қозонган ҳар қандай киши ўзини бахтиёр ҳис этишга ҳақлидир.

Шу маънода, давлатнинг юксак муқофотларига сазовор бўлиш, бу аввало, халқнинг назарига тушиш, унинг дуосини олиш демакдир.

Бугунги қувончли айёмда сизларга, азиз опа-сингилларим ва мунис қизларимга ана шу муқофотларни топшириш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Муқтарам опа-сингиллар!

Суюкли қизларим!

Барчангизни яна бир бор бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриқлайман. Сизларга дунёдаги энг бебаҳо бойлик — оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини қўриб юриш қувончи ҳаммаша ёр бўлишини тилайман.

Иқболингиз баланд, умрингиз узок, ҳаётингиз фаровон бўлсин!

Қалбингиз доимо баҳордек яшнаб турсин!

Ҳаммаша соғ-омон бўлинглар!

МЕҲР-ОҚИБАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

— Халқимиз азал-азалдан Она сиймосини, Аёл зотини Яратганнинг улуғ неъматини, тенгсиз мўъжизасини, деб билади, уни ҳаммаша ардоқлаб-асраб яшайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, ҳар қандай жамият ва

давлатнинг қай даражада халқлар-вар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади. Мамлакатимизда халқни рози қилиш мақсади йўлида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Уларнинг ўқиши, иш-лаши, саломатлиги, оиласи учун шароитлар яхшиланмоқда.

Бу мақсадлар Тараққиёт стратегиясининг ҳам муҳим йўналишларидан бири. Шунга мувофиқ, 1 март куни ўтказилган видеоинтервью йиғилишида хотин-қизлар учун янада

кенг имкониятлар белгиланди. Бу вазифаларни тизимли ва самарали амалга ошириш мақсадида Бош вазир ўринбосари лавозими қайта тикланди ҳамда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Республикадаги 9,5 мингга яқин маҳалла раисининг хотин-қизлар ва

оила бўйича ўринбосарлари ҳам қўмита тизимида ўтказилди. Ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар фаоли лавозими янгидан жорий қилинди. Бу орқали, опа-сингилларимизнинг муаммолари, дарду ташвишлари билан доимий шугулланадиган адолатли ва самарали тизим яратилди.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинади.

Президентимиз ташаббуси билан жамоатчиликка, аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган, обрў-эътиборли аёлларни ўз сафида бирлаштирган “Оқила аёллар” ҳаракати ташкил топмоқда. Шунингдек, барча меҳнат жамоаларида хотин-қизларнинг муаммоларига самарали ечим топиш учун “Аёллар кенгашлари” тузилмоқда.

Тадбиркор хотин-қизларни янада кўпайтириш мақсадида “Бизнесчи аёллар” дастури қабул қилиниб, унинг доирасида 8 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, жорий йилда ипотека кредитлари бўйича бериладиган субсидияларнинг 40 фоизи хотин-қизлар учун ажратилади. Бу муҳтож аёлларни 12 мингта қулай уй-жой билан таъминлаш имкониятини беради.

Тарихимизда илгари бўлмаган бундай кенг қўламли ишлар ихроси учун 15 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

— Хотин-қизлар ва оила масаласи — бу нафақат бугунги кунимиз, балки эртанги келажагимизни ҳам белгилаб берадиган ҳал қилувчи омилдир. Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фарштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўн та яхшилик бўлиб қайтади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз хотин-қизларга мурожаат қилиб, уларни буюк ишларга руҳлантирди:

— Биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун, янги тарихий даврга қадам қўйдик. Фарзандларимиз қалбига улуг мақсадлар, олижаноб гояларни сингдириш — барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчидир. Юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, албатта, сизларга боғлиқ. Бу — ёруғ келажакка йўналтирилган энг катта инвестиция ва битмас-туганмас бойликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 мартда-

ги Фармонига мувофиқ бир гуруҳ хотин-қизлар юксак унвон, ордени ва медаллар билан, Президент қарорига биноан эса йигирма саккиз нафар қиз Зулфия номидаги Давлат муқофоти билан тақдирланган эди.

Байрам тадбирида ана шу юксак муқофотлар тантанали равишда топширилди.

— Барчангизни яна бир бор бугунги баҳор ва нафосат, гўзаллик ва латофат байрами билан самимий табриқлайман. Сизларга дунёдаги энг бебаҳо бойлик — оилавий бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар ва набиралар камолини қўриб юриш қувончи ҳаммаша ёр бўлишини тилайман. Қалбингиз доим бугунги баҳордек яшнаб турсин, — деди Президент.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан таъриф буюрган хотин-қизлар, турли вазирлик ва идоралар ходимлари файзли дастурхон атрофида байрамни нишонлади. Тадбирда чет эллик дипломат аёллар, халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам иштирок этди.

Байрам тантанали концерт дастури билан давом этди.

Ў.А.

ДАВЛАТНИНГ ЮКСАК МУҚОФОТЛАРИГА САЗОВОР БЎЛИШ, БУ АВВАЛО, ХАЛҚНИНГ НАЗАРИГА ТУШИШ, УНИНГ ДУОСИНИ ОЛИШ ДЕМАКДИР

8 март — Халқро хотин-қизлар куни мамлакатимизда кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Куни кеча Президентимиз Фармонига кўра бир гуруҳ фидойи аёлларимиз турли давлат муқофотлари билан тақдирланган бўлса, Ўртбошимиз қарорига мувофиқ Ватанимизнинг энг истеъдодли қизлари Зулфия номидаги Давлат муқофоти соҳибаларига айланди. Бу йилги байрам ушбу юртдошларимизга бир умрлик ёрқин хотиралар туғдирди.

Қуйидаги дил сўзларидан буни англаш қийин эмас.

Дил сўзи

Дилорон ЭРҒАШЕВА, Наманган вилоятидаги “Машраб” наشريёти бош муҳаррири, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Халқлар ва миллатлар ўртасидаги биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашда ижод аҳлининг ўзаро муносабатлари, адабий асарлар алма-шинувининг ўрни ҳаммаша юқори бўлиб келган.

Наشريётимизда таржима асарларини чоп этишга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзим ҳам назм шайдоси сифатида ўзбек шеърятини кенг тарғиб қилиш баробарида, қўллаб-миллатлар шоирлари шеърларини ўзбек китобхоналарига етказиш билан шугулланаман. Кейинги пайтларда нашрдан чиққан бир қатор китобларим турк ва озар тилла-

рига ўтирилиб, қардош мамлакатларда китоб ҳолида, шунингдек, матбуот нашрларида чоп этилганлигидан алоҳида фахр туаман.

Ўтган йили хазрат Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқро танловда Анкара университети профессори Адим Лабиб ва афғонистонлик профессор Аҳмад Ясса билан биргаликда ҳакамлар ҳайъатини бошқардик. Буни айтатганимдан боиси Алишер Навоийнинг бой маънавий меросидан фарзандларимизни қанча кўп баҳраманд этсак, уларни ватанпарварлик, меҳнат-севарлик руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшган бўламиз. Зеро, инсон китоб ўқиш, уни англаш, ҳис этиш орқали камол топади.

Халқро хотин-қизлар куни арафасида давлатимиз раҳбари Фармонига

кўра, юксак муқофот билан тақдирланганим ҳаётида ёрқин из бўлиб қолиши, шубҳасиз. Узок йиллик меҳнатим ва ижодий изланишларимга кўрсатилган рағбат мени янада кўпроқ изла-ниш, шеърини ихлосмандлари эҳтиёжига муносиб халқчил асарлар яратишга чорлайди, албатта.

Роя ДАУЛЕТНАЗАРОВА, Қарақалпоғистон Республикасидаги “Uz-Kor Gas Chemical” кўшма корхонасининг цех муҳандис-метрологи, “Шухрат” медали соҳиби:

— Аёл жамиятда фаол бўлиши, мамлакат тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олиши бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бахтимиз шундаки, инсон қадри улуғланаётган мамлакатимизда аёлларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Яхши яшашимиз, қулай шароитларда ишлашимиз учун кенг қўламли имкониятлар яратилляпти. Давлат муқофотлари билан тақдирланаётганимиз эса ҳаётиимизни янада гўзаллаштиради.

Президентимиз Фармонига кўра, “Шухрат” медали билан тақдирланганимни эшитганимда, қувончдан бошим осмонга етди. Бундай эъоздан гулдк

очиламиз, гуруримиз тоғдек юксалади. Эл-юртта янада фидойилик билан хизмат қилиш учун шиқоатимиз ортади.

Ўттиз йилдан ортиқ меҳнат фаолиятим давомида газ-кимё соҳасида катта тажрибага эга бўлдим. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати сифатида аҳоли муаммоларини ҳал этиш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича ташаббусларни амалга оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшдим.

Биласизми, аёл оила, рўзғор ташвишларидан ортиб, ўз касбининг мутахассиси бўлса, уни севса ва ўз соҳаси ордин одамларнинг мушкуллини осон қилса, аслида, аёл учун ҳақиқий бахт мана шу. Боз устига, меҳнатингизга яраша қадр қўрсангиз, бундан гурурланмай бўладими?!

Азиза АБДУВАЛИЕВА, Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндори:

— Биз, ёшларга мамлакатимиз келажагининг таянчи сифатида алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Замонавий


андозалар асосида пухта билим олишимиз учун барча шароит муҳайё. Бундан руҳланиб, нафақат юртимизда, балки халқро майдонларда ўз сўзини айтаянмиз, дунё ахлига улуг юртининг фарзандларини нималарга қодирлигини кўрсатишга интиляпмиз.

Хусусан, ўтган йилнинг ёзида Португалияда ўтказилган 32-халқро биология олимпиадасида (IBO) голиб бўлдим. Иқтидорли ёшларни рағбатлантириш тизими асосида 122,5 миллион сўм пул муқофоти билан тақдирланганимда яқинларимнинг хурсандчилиги кўз ёшларини ҳалигача ҳаяжон билан эслайман.

Куни кеча Президентимиз қарорига кўра, Зулфия номидаги Давлат муқофоти билан муқофотланганим эса янада қувончли бўлди. Чексиз мамнуният, фар-ифтихордан тўлқинланиб кетдим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, давлатнинг юксак муқофотларига сазовор бўлиш, бу аввало, халқнинг назарига тушиш, унинг дуосини олиш демакдир.

Қўллаб-тенгдошларим қатори Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилганим катта масъулият ҳам юклайди. Янги мақсадлар, юксак марралар сари илдам одимлашга куч-қувват, рағбат беради.

«Халқ сўзи».



ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КЕЛИШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий, сиёсий салоҳияти йил сайин ўсиб бораётган Покистон Ислом Республикаси билан ўзаро шериклик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Хар икки мамлакат етакчилари охириги тўрт йилда ўн мартаба кўришгани ҳам бу фикрни тасдиқлади.

Фикр

Ўтган йили Покистон Бош вазирининг юртимизга ташрифи чоғида муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Икки давлат раҳбарларининг олиғи даражадаги мулоқотлари доимийлик тусини олган бўлса, сиёсий маслаҳатлашувлар ҳам мунтазам ўтказиб келинапти.

Ўзбекистон ва Покистон бир қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам самарали алоқалар ўрнатган. Бу шериклик, айниқса, БМТ, ШХТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби қатор тузилмалар доирасида икки мамлакатнинг ўзаро тақлиф ва ташаббусларини маъқуллаш орқали амалга оширилаётгани эътиборга сазовор.

Икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо айирбошлаш ҳажми ўтган йилда 50 фоиз ўсиб, 181 миллион долларга тенг бўлди. Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокидаги 174 та қўшма корхона фаолият қори-таётир. Умуман, сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар янги босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Айниқса, “аср лойиҳаси” дея таъриф берилаётган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини куриш бўйича мунтазам равишда музока-ралар олиб бориляпти. Покистон ҳудуди орқали энг қисқа ва арзон йўналишда халқаро денгиз портлари-га чиқувчи ушбу стратегик темир йўлини куриш келгу-сида нафақат Ўзбекистон ёки Покистон, балки Мар-казий ва Жанубий Осиё минтақаларидаги кўплаб мам-лакатларининг умумий равнақиға катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон ва Покистон ҳукуматлараро савдо-иқти-содий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссияси 1993 йилда тузилган бўлиб, сўнгги уч йилда ушбу комиссия фаолияти сезиларли равиш-да жонланганлигини ва ҳар йили доимий ўтказилаёт-ганини алоҳида эътибор этиш жоиз. Ҳозирда давлат-лараро маданий-гуманитар, илм-фан, таълим, мада-ният ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликни янада жон-лантиришга қаратилган савй-ҳаракатлар давом этти-риляпти.

Мамлакатимиз раҳбарининг яқинда Покистонга амалга оширган давлат ташрифи ушбу ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш сари му-ҳим қадам бўлди, десак, асло муболоға бўлмайди.

Ташриф арафасида икки мамлакат ишбилармон доираларининг 150 га яқин вакиллари, шунингдек, асосий вазирлик, идора, тармоқ бирлашмалари ва савдо-саноат палаталари раҳбарлари иштирок этган Ўзбекистон — Покистон бизнес форумида 800 мил-лион долларлик қўшма савдо ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида салмоқли ҳужжатлар пакети, жумладан, Стратегик шерикликини ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Мазкур ҳужжатда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайти-риш бўйича келгусида ташланажак аниқ ва тизимли қадамлар белгилаб олинди.

Шунингдек, ҳукуматлар ҳамда идоралар ўртасида имтиёзли савдо тўғрисида, атроф-муҳитни асраш, зиёрат туризми, темир йўл соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида келишувлар, Сурхондарё вилояти билан Хайбер-Пахтунхва музофоти, Тошкент ҳамда Исломобод шаҳарлари ўртасида биродарлик келишув-лари каби ўн та ҳужжат имзоланди.

Улғу боёбимиз, шоҳ ва шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур фаолияти ҳақида кўп серияли бадиий фильм ишлаш, икки давлат илмий таҳлил доиралари вакиллари ўртасида алоқаларни кучайти-риш, сайёҳлар алмашувларини фаоллаштириш ҳамда пандемиядан кейинги шароитда ҳаво қатновларини қайта тиклаш каби келишувлар халқларимизни фақат бирлаштиришга хизмат қилади.

Муктасар айтганда, Президентимизнинг Покистон-га амалга оширган илк давлат ташрифи икки томон-лама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар соҳалардаги шериклиқнинг истиқболли йўналишларини белгилашда жуда катта тарихий қадам бўлди. Ушбу ташриф ҳар икки мамлакатнинг ўзаро иқтисодий риш-таларини чуқурлаштириш, бизнес алоқаларини ке-нгайтириш, шунингдек, барча соҳада самарали шерик-лик учун мавжуд иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ фойда-ланишга бўлган қизиқишини яққол намёнён этди.

Ҳеч шубҳасиз, тарихий илдизлари муштарак, қараш ва иштишлари уйғун бўлган икки мамлакат ўртаси-даги азалий алоқаларининг мустаҳкамланиши кенг минтақаларимизда яшаётган халқларнинг умумий фа-ровонлиғига хизмат қилади.

Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар
қўмитаси раиси ўринбосари.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯЛАР ЙИГИЛИШЛАРИ ҚИЗҒИН ТОРТИШУВ ВА ТАҲЛИЛЛАРГА БОЙ ЎТДИ



Солиқ маслаҳатчилари институти жорий қилинади

“Миллий тикланиш” демократик партия-си фракцияси йиғилишида депутатлар кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ва иккинчи ўқишда муҳокама қилди. Айниқса, “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан баҳс-мунозаралар кўзланич кеңди.

Кайд этилганидек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда айрим Европа давлатлари, шунингдек, Россия, Беларусь ва Қозғос-тоннинг бу борадаги тажрибалари ўрганил-ган. Ушбу ҳужжат билан солиқ маслаҳатчи-сининг вазифалари ва ваколати, ҳуқуқлари белгиланаяпти. Ҳужжат лойиҳасининг қабул

қилиниши натижасида солиқ маслаҳатчи-лари институти жорий этилади ва бу тузилма солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимо-я қилиш билан бирга, уларга яқин кўмакчи бўлади.

Муҳокамалар давомида депутатлар то-монидан лойиҳани янада тақомиллаштириш, маромига етказиш, пишиқ-пuxта ҳолатга келтириш бўйича қатор тақлифлар берилди ҳамда қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Фракция ййғилишида “Давлат божи тўри-сида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан давлат божидан озод қилиш, давлат божини ундиришининг ўзига хос хусусиятларига аниқ-лаштирувчи ўзгартиш ҳамда қўшимчалар ки-ритилаяпти. Шунингдек, нотариал ҳаракатлар-ни амалга оширганлик учун белгиланган бир

қатор давлат божни миқдорларининг ставка-лари оптималлаштирилмоқда. Депутатлар қонун лойиҳасини маъқуллади.

Яқунда муҳокама этилган қонун лойиҳа-ларини маромига етказиш юзасидан депутат-ларнинг партия позициясидан келиб чиқадиг-ан тақлиф, мулоҳазалар тингланди ва фрак-циянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

Соҳадаги муносабатлар тартибга солинади

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари “Ўзбекистон Респу-бликасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғри-сида”ги, “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Рес-публикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшим-чалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳалари-ни кўриб чиқди.

Хусусан, депутатлар томонидан муҳока-ма қилинган “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин баҳс ва мунозара-ларга сабаб бўлди. Биринчи ўқишда кўриб чиқилаётган мазкур қонун лойиҳасида унинг

қўлланлиш соҳаси, асосий тушунчалар ҳамда принциплари, солиқ маслаҳатчининг мақоми, Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси функция ва вазифалари, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, жавобгарлиги ҳамда солиқ маслаҳати билан боғлиқ бир қатор тамойиллар белгиллаб қўйилган.

Қонун лойиҳасида “солиқ маслаҳатчиси ассистенти” тушунчаси киритилмоқда. Лойиҳада солиқ маслаҳатчининг ассистен-ти айрим профессионал фаолият турларини амалга оширувчи жисмоний шахс сифатида белгиланган.

Муҳокамалардан сўнг “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар томонидан маъқулланди. Фрак-ция аъзолари кун тартибидаги бошқа қонун лойиҳалари юзасидан ҳам электорат нуктаи назаридан муносабат билдирди.

Давлат божи ставкалари оптималлаштириладими?

Ўзбекистон Экологик партияси фракция-си йиғилишида дастлаб “Давлат божи тўғри-сида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш-

2021 йилдаги асосий фаолияти йўна-лишлари ҳақида батафсил хабардор қилинди.

Бундан ташқари, юқори даражадаги таширфлар ва халқаро учрашувлар якун-лари бўйича тасдиқланган “Йўл хари-талари”нинг Ўзбекистон Ташқи ишлар ва-зирлиги ва чет элдаги муассасалари то-монидан амалга оширилиши муҳокама қилинди. Мамлакатимиз дипломатик миссиялари раҳбарлари тақлиф этган инвестиция лойиҳаларининг мамлақати-миз ҳудудларида рўёбга чиқарилиши юзасидан танқидий баҳо берилди.

Оқиқ ва конструктив муҳокамада се-наторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис Сенати-нинг қарорларидаги топшириқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмагани би-лан боғлиқ бир қатор муаммолари маса-лаларни ҳам қайд этдилар. Мазкур ма-салалар юзасидан зарур тавсиялар бе-рилди.

Реклама кўрсатув вақтининг ўн беш фоизидан ошмаслиги керак

Ахборот сиёсати ва давлат орган-ларида очикликни таъминлаш масала-лари қўмитаси мажлисида янги таҳ-рирдаги “Реклама тўғрисида”ги қонун-га алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, амалдаги қонун-чилик ҳужжатларида умумий тусга эга бўлган ва ишламайдиган нормалар мавжудлиги, улар реклама фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб олмаганлиги амалиётда кўплаб ҳуқуқбузарликлар содир этилишига са-баб бўлмоқда.

Биргина 2021 йилда реклама соҳа-сида 15 минг 486 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Жумладан, ташқи реклама ва бошқа рекламаларда 10 минг 249 та, дарахтлардаги рекла-ма ва эълонларда 3 минг 416 та, дори-дармон ва биологик фаол қўшимчалар — 658 та, тамаки ва алкоголь махсу-лоти — 499 та, букмекерлик ва тотали-затор хизматлари — 260 та, маданий мерос объектлари бўйича 150 та, ху-сусий таълим ва тиббиёт муассасала-ри — 110 та, рағбатлантирувчи танлов ва акциялар рекламасида 103 та ҳолат қайд этилди.

Янги таҳрирдаги қонунга қонуности ҳужжатлари нормалари ҳамда амалиёт ва ҳорижий тахриба таҳлили асосида рағбатлантирувчи реклама акцияларни ташкил этиш ва ўтказишга оид меъё-рлар киритилган. Хусусан, тегишли му-қот фондиси рағбатлантирувчи рекла-ма акцияларини ўтказиш тақиқланмоқда.

лараро ҳамкорлик тақозо этилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 6 август куни Туркменистоннинг Аваза шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳатлашув уч-рашувига жорий йилда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий парламент форумини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусига алоҳида ургу бериш зарур.

Аксилтеррор ҳамкорлик масаласининг парламентлараро музокаралар кун тар-тибига мунтазам жой эгаллаши, Янги-ланган қўшма режа ихроси устидан бир-галикдаги парламент мониторингини жорий этилиши минтақамиз хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги эзгу мақсадларга эришишдаги яна бир самарали механизм-га айлланиш мақсада мувофиқдир.

Умуман, терроризмга қарши самара-ли курашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Шу маънода, бу бо-радаги ишларимизни янада жадал-лаштириш айна мудоаодир.

Равшанбек АЛИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Халқоро
муносабатлар, ташқи иқтисодий
алоқалар, ҳорижий инвестициялар
ва туризм масалалари қўмитаси
раиси.

да ундириладиган тўловлар миқдорининг фуқаролар учун тушунари ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳасида нотариал ҳаракатларни амал-га оширганлик учун белгиланган бир қатор давлат бож миқдорларининг ставкаларини оп-тималлаштириш назарда тутилган.

Фракция аъзолари ҳужжат лойиҳасини партия нуктаи назаридан келиб чиқиб, му-ҳокама қилди ва уни янада тақомиллашти-риш бўйича қатор тақлифлар берди. Ўз навабатида, қонун лойиҳасининг қабул қили-ниши билан давлат бож ставкалари опти-маллаштирилишини инобатга олиб уни маъ-қуллади.

Йиғилишда “Солиқ маслаҳати тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар мар-жазида бўлди. Лойиҳа билан солиқ маслаҳат-чилари институтини шакллантириш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқ мажбуриятларини бажаришда мала-кали ёрдам кўрсатиш, солиқ маслаҳатчи-ларнинг ҳуқуқий мақвеини мустаҳкамлаш ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш кўзда тутилаетир.

Солиқ маслаҳатчилари палатасининг ва-зифалари, солиқ маслаҳатчилари ташкилот-ларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, солиқ маслаҳати хизматларини кўрсатиш тартиб-лари белгиланаяпти.

Йиғилишда халқ вакиллари томонидан қонун лойиҳаси юзасидан берилган қатор саволларга мутасаддилардан батафсил жа-воблар олинди ва ушбу ҳужжат қўллаб-қувватланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш ама-лиёти ҳамда ҳорижий тажрибадан ке-либ чиққан ҳолда, рекламага қўйиладиг-ан талаблар кучайтирилиб, янги тар-тиблар киритилмоқда. Хусусан, дарс-ликлар ва дафтарларда реклама жой-лаштириш, реклама нархларини ҳори-жий валютада кўрсатиш, ахлоқ ва маъ-навиятнинг умумқабул қилинган нор-маларига зид келувчи шакл, товар, ва образлардан фойдаланиш, товарнинг асосий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмоличдан яшириш тақиқланди.

Шунингдек, айрим турдаги реклама воситалари орқали реклама тарқатиш-нинг ўзига хос хусусиятлари белгилан-напти. Масалан, телеканаллар эффи-рида тарқатиллаётган реклама умумий давомийлиги кўрсатув вақтининг бир соати учун йигирма фоиздан, бироқ бир суткада кўрсатув вақтининг ўн беш фо-изидан ошиши мумкин эмас. Давомий-лиги ўн дақиқадан кам бўлган теле-кўрсатувларни реклама билан узиб қўйишга ва реклама билан бирга на-мойиш этишга йўл қўйилмайди.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шуки, она сутининг ўрнини босувчи махсулот-ларни реклама қилишга йўл қўйилмайди.

Сенаторлар муҳокама жараёнида қонунда баён этилган айрим модда-ларнинг амалиётга татбиқ қилиниши билан боғлиқ ҳолатларга ҳам эътибор қаратди.

Шунингдек, мажлисда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори-нинг давлат органлари ва ташкилотла-ри фаолияти очиклигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бо-расида ўтказилган ўрганиш ва таҳлил-лар бу соҳада тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ва ўз ечимини кутаётган масалалар мавжудлигини кўрсатди. Ху-сусан, агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотларини фаолияти очиклигини мониторинг қилиш ва ба-ҳолаш бўйича методика ишлаб чиқил-маган. Оқибатда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклиқ индек-сини аниқлаш ишлари амалга оширил-май қолган.

Тадбирда очик ва доимий эълон қилиб борилиши лозим бўлган маъ-лумотларни расмий веб-сайт ва очик маълумотлар порталида (data.gov.uz) жойлаштириш шакли, вақти, тартиби акс этган алоҳида йўриқнома ишлаб чиқил-магани ҳам таъкидланди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи»).

Йўловчи ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта қилинадими?

Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасининг Саноат, курилиш ва савдо масала-лари қўмитаси “Ташувчи-нинг фуқаролик жавобгар-лигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбе-кистон Республикаси Қону-нига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган семинар ўтказди.

Семинар

Кайд этилганидек, қонун лойиҳаси Президентимиз-нинг “Автомобиль транс-портида йўловчилар ташвиш фаолиятини тартибга со-лишни янада соддалашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда “Транспорт соҳасида дав-лат бошқаруви тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги Фармони ихросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасининг мақсади ва вазифаси — ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ бўлмаган ўриндиққа эга енгил авто-транспортда йўловчи ташувчининг фуқаролик жа-вобгарлигини мажбурий сугурта қилишда якка тар-тибдаги тадбиркорларга нисбатан ҳам ташувчи ма-қомининг берилишини кўзда тутади.

Ҳужжат лойиҳаси билан йўловчиларни ҳамда улар-нинг мол-мулкни тижорат асосида ҳайдовчидан ташқари тўрттадан ортиқ бўлмаган ўриндиққа эга енгил автотранспортда ташвиш бўйича хизматлар кўрса-таётган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулк-ига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жа-воб-гарлиги мажбурий сугурта қилиниши таъминланади.

Яқунда муҳокама этил-ган қонун лойиҳасини та-қомиллаштиришга қаратил-ган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ДОИМИЙ ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

Хамиша янгиликка интилиб, улугъ гоѳларга таяниб яшаш тараққийпарвар инсонларга хос фазилат. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий-маърифий соҳаларда рўй бераётган мисли кўрилмаган ўзгаришлар, эришилаётган ютуқлар ана шундай савй-ҳаракатларнинг ҳосиласидир. Бу ўзгаришлар нафақат барча соҳаларни, балки барча ижтимоий гуруҳларни ҳам қамраб олганлиги билан қадридлир. Энг асосийси — хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бугунги ва эртанги кунимиз учун нихоятда муҳим аҳамиятга эга.

Муносабат

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш давлат стратегиясининг устувор йўналиши сифатида кўрилмоқда. Аёллар сиёсий, иқтисодий ҳаётда, давлат ва жамият бошқарувида, маданият, илм-фан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларда тобора фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Улар давлат бошқарувида, парламентда, сиёсий партияларнинг “аёллар қанотлари”да, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида, фермер хўжаликларида, кичик ва ўрта бизнесда меҳнат фаолиятини олиб боришмоқда, олий ўқув юртиларида таҳсил олиб, илм-фан билан шуғулланишмоқда.

Шу билан бир қаторда, уларга ўз иқтидорларини тўла намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида турли имтиёзлар тақдим этилган. Хусусан, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган иқтидорли қизлар адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт йўналишларидаги, жамоат ишларидаги ютуқлари, ибратли фаолияти учун Ўзлфига номидаги Давлат муқофоти билан тақдирланади. Бундан ташқари, талаба қизларимиз Алишер Навоий, Абу Райҳон Бериуний номидаги ҳамда Президент стипендияларига сазовор бўлишмоқда. Давлат ва жамият ривожига қаратилган кенг қамровли ислохотларда ўзининг билим ва тажрибалигини аямасдан сидқиқдиган хизмат қилган ёши улугъ онахонларимиз давлат муқофотларидан ташқари “Мўътабар аёл”, “Меҳнат фажрийси” кўкрак нишонлари билан тақдирланмоқда. Айни пайтда ижтимоий ёрдамга муҳтож аёлларга Ягона реестр орқали ёрдам кўрсатилмоқда. Умуман олганда, охириги йил-

ларда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 20 дан зиёд ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, 2 қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган.

Жорий Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими ҳамда уларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш масалалари диққат марказида турибди. Халқро хотин-қизлар куни арафасида Президентимиз раислигидан ўтказилган видеосе-латор йиғилишида ҳам кенг миқёсли вазифалар белгилаб берилди. Уларнинг таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш, уй-жой ва иш билан таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланишича, ўтган давр мобайнида хотин-қизларга яратилган имкониятлар натижасида бир-гина 2021 йилда аёллар тадбиркорлиги дастурла-ри доирасида 200 мингдан зиёд лойиҳаларга 2 триллион сўм кредит ва субсидиялар ажрати-либ, 320 минг хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. 190 минг нафар аёл касб-хунарга ўқитил-ди. 4 мингдан зиёд хотин-қизларга уй-жой тўло-вининг бошланғич бадали учун маблағ ажратил-ди. 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Натижада ўтган йили олий ўқув юртиларига кирган талабаларнинг 60 фоизини қизлар ташкил этди.

Кувонарли томони шундаки, 2022 — 2026 йил-ларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида ҳам Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш дасту-ри ишлаб чиқишлиши кўзда тутилмоқда. Дастур до-ирасида пойтахтимизда, асосан, хотин-қизларни ўқитиш учун давлат-хусусий шериклик асосида тўқи-мачилик соҳасига ихтисослаштирилган алоҳида уни-

верситет ташкил этилади. Пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида жойларда тех-никумлар ҳам очилади.

Бундан ташқари, янги ўқув йилидан бошлаб таълим контрактларини тўлаш учун қизларга 7 йил муддатга фойсиз кредит бериш жорий қилинади. Бунинг учун жорий йилда банкларга 1 триллион 800 миллиард сўм, келгуси беш йилда 8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб эса магистрату-рада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоланади, эҳтиёжманд оила вакилла-ри, ота ёки онасини йўқотган талаба қизларнинг таълим контракти ҳам маҳаллий бюджетдан тўланади. Аёлларни илм-фанга жалб этиш, улар орқали оилапар, жамиятимиш интеллектул сало-ҳиятини ошириш мақсадида докторантура йўна-лишларида хотин-қизлар учун ҳар йили камибар 300 тадан мақсадли квоталар ажратилади. Шу би-лан бир қаторда, аёлларни талаб юқори бўлган ишчи касбларга ўқитиш, “Бизнес аёллари” дасту-рини қабул қилиш каби чоралар ҳам белгиланган.

Аёлларнинг бўлгуси она сифатидаги соғлиқла-рини асраш мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда ишлаётган аёлларга ҳам хоми-ладорлик нафақасини давлат томонидан тўлаш тизими йўлга қўйилади. Бу тадбирлар оналарга соғлом фарзандларни дунёга келтиришлари учун тўлақонли шароит яратди. Бундан нафақат она-лар, балки бутун жамият манфаат қўриши, шубҳа-сиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳам, ёруғ келажаги-миз ҳам аёлларга боғлиқ. Агар халқимиз биздан рози бўлишини хоҳласак, аввало, мўътабар оналаримиз, опа-сингилларимиз учун муносиб турмуш шароитлари яратишимиз керак. Она рози бўлса, оила рози бўлади, оила рози бўлса, жамият рози бўлади”.

Эътибор СУЛТАНОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети профессори,
сиёсий фанлар доктори, Тошкент шаҳар
«Олима» уюшмаси раиси.

Мирзачўлда асаларичилик кооперацияси йўлга қўйилади

Сўнгги йилларда даромаднинг, ризку бараканинг манбаи бўлган ер-нинг ҳар бир қаричидан тўғри, унумли фойдаланиш, бунинг баробарида деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини оширишга эътибор ортиди.

Қарор ва ижро

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 16 декабрь куни имзола-ган «Томорқадан фойдаланиш сама-радорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик ташаббус-ларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги

ишларни янги босқичга кўтаргани билан аҳамиятлидир. Айни пайтда ҳудудларда маъзур ҳужжат ижросини таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Хусусан, Жиззах вилоятида асаларичилик соҳасини ривожланти-риш мақсадида асал маҳсулотлари-

ни етиштириш, аҳолини тоза асал билан таъминлаш, тиббиёт соҳа-сида асалари муми, сутти ва захриддан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжа-лиги экинлари ҳосилдорлигини оши-ришда асаларидан кенг фойдаланиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бораёмиз, — дейди Республика ве-теринария ва чорвачиликни ривож-лантириш давлат қўмитаси раиси Баҳром Норқобилов. — Мутахассис-ларимиздан иборат гуруҳ вилоятда-ги қатор маҳалла ва қишлоқларда бўлиб, аҳоли ўртасида асаларичилик-ка қизиқишни ошириш, ушбу бизнес билан шуғулланишлари учун амалий ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда.

Ишчи гуруҳ ақинда Мирзачўл массивидаги «Асил асалари» МЧЖ фаолияти билан танишди. Хўжалик-нинг умумий ер майдони 1 гектар бўлиб, маъзур ҳудудда 500 қути асалари оиласи парваришланмоқда. Ўрганишлар натижасида тадбиркор-га 400 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши ва асаларичиликка қизиқувчилар учун ўқув ва тажриба хоналари ташкил қилиши, тумандаги асаларичиларни бирлаштириб турувчи кооперацияни йўлга қўйиши учун кўмак берилади-ган бўлди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Таҳририят почтасидан

ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАДАН СЎНГ

ТЕХНИКУМ АХБОРОТ-РЕСУРС
МАРКАЗИ ФОНДИ ИБН СИНО
АСАРЛАРИ БИЛАН БОЙДИ



“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 6 фев-раль сонига “Ибн Сино авлодлари буюк ак-додимизнинг меросини нечоғли билишади?” сарлавҳали мақола чоп этилган ва унда қомусий олим асарларини ўқиб-ўрганиш бо-расидаги аҳвол юзасидан фикр-мулоҳаза-лар ўртага ташланган эди.

— Шундан сўнг талаба-ёшларнинг улугъ ак-додимиз ҳаёти ва ижодида қизиқишларини ошириш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди, — дейди Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро жамоат саломат-лиги техникуми ахборот-ресурс маркази раҳ-бари Лайло Иноятова. — Чунончи, марказ китоб фонди Ибн Синонинг 2020 йилда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик ком-паниясида чоп этилган олти томлик “Тиб қонунлари” китоби билан бойиди. Бундан ташқари, фондимизда буюк акдодимизнинг турли йилларда нашр қилинган китоблари мав-жуд. Шунингдек, “Ибн Сино ўғитлари” деб номланган 18 номдаги электрон база, мультимедиа талаба-ёшларимизнинг билим ва қўникмаларини оширишга хизмат қилляпти.

Техникумда “Табобат илмининг сўлтони” мавзuida анжуман ўтказилиб, унда Ибн Сино қолдирган бой маънавий меросини ўқиб-ўрга-нишнинг аҳамиятига оид саҳна кўринишля-ри ҳам намойиш этилди.

Бизга маълум қилишларича, техникум ўқитувчилари томонидан қомусий олим ижо-дига доир қўлланма ва маъруза матнлари, Бухоро давлат тиббиёт институти билан ҳам-корликда “Ибн Сино ўғитлари” қўлланмаси-ни ҳам тайёрлашга киришилган.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Бешарикда Нидерландия лолалари

Фаргона вилоятининг Бешарик туманида гулчилик жадал ривожланаётган бизнесга айланмоқда. Тумандаги ўнлаб оилаларда парваришланаётган ранг-баранг гуллар Фаргона водийси, пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига етказиб берилаётир.

Изланиш

Бешарик тумани марказидаги “Гуллилола дунёси” оилавий корхо-насида эса 25 турда Нидерландия лолалари етиштириляпти. Ўтган йили маъзур ўлкадан лола илдизларини келтирган бу гулчилар оиласи 60 сотихли иссиқхонада уларни ўстира бошлади. Эътибор, меҳр ва парваришдан барқ урган анвоий ло-лалар мамлакатимиз шаҳарлари, қўшни республикалар, Жанубий Кореяга экспорт қилинмоқда.

Оилавий корхонада 12 та дои-мий иш ўрни яратилган, мавсумий юмушларга яна 10 нафардан зиёд

маҳалладошлар жалб этилади. Бо-иси томорқадан бир йилда тўрт ма-ротаба ҳосил оладиган оила гулчи-лиқдан ташқари турли қўйқатлар етиштириш орқали ҳам қўшимча да-ромад қилади.

— Ҳар бир лола илдизи 3-3,5 минг сўмдан олинйиб, уч ой парвариш қилинади ва битта лола гули ички бозорда ўртача 15 — 20 минг сўмдан сотилади, экспоррта чи-қариладигани янада қиммат, — дейди Гулираъно Раҳимжоновна. — Шу та-риқа оиламиз гулчиликдан илгилга 60 миллион сўм соф фойда олади.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).



«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари ДИҚҚАТИГА!

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 30 март куни, соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уйда жойлашган “Микрокредитбанк” АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки акция-дорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ре-гламентини тасдиқлаш.
2. “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг янги тахрирдаги “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ ва компенса-циялар тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш, шунингдек, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Бошқаруви тўғрисида”ги низомиларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш.
3. “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки Уста-виға ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш.
4. “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг янги тахрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

“Микрокредитбанк” АТБ Кузатув кенгашининг 2022 йил

1 мартдаги мажлиси қарорига асосан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2022 йил 24 март кунги ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ҳақ қилиш учун акциядорлар реестри 2022 йил 1 март кунги ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2022 йил 30 март куни соат 10:00 дан 10:50 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йиғилишида шахсини тасдиқловчи ҳуж-жат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнаша-ди, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳуж-жатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотарий тасдиқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференцалоқа тарзида ўтказилса, бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридаги манзилга ва куйидаги телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин. Тел: 998 (71) 202-99-99 (1316, 1317)

Банк Кузатув кенгаши.

Ўзбекнинг улугълари. Жадидлар

МИЛЛАТ ОЙДИНЛАРИДАН БИРИ

Абдувоҳид Мунзим XX аср бошларида Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг етакчиси сифатида маорифни ислоҳ қилиш мақсадида янги усул мактабини очди...

Унинг жадидчилик ҳаракати тарихида тараққийпарвар ва маърифатпарвар муаллим, ношир, таттот ва шоир сифатида алоҳида ўрни бор. Ота-онасидан эрта етим қолган, Бухоро амирилигида узок йиллар қозилик қилган Садр Зиё уни ўз қарамоғига олади, мактаб ва мадрасада таҳсил олишига моддий ва маънавий жиҳатдан қўмақлашади.



тарбияси”) жамиятини тузади. Жамиятнинг Термиз, Карки, Янги Бухоро ва Ҳижудовнда 28 та бўлинмаси бўлиб, улар амирилик ҳудудидagi иқтидорли ёшларни аниқлаб, Истанбул, Оренбург, Уфа, Қозон, Боғчасарой каби шаҳар-ларга ўқишга юборган. Жамият таркиби Бухоро жадидчилигининг кўзга кўринган ерқин намоян-далари Садриддин Айний, Аҳмаджон Ҳамдий, Ҳамидхўжа Меҳрий, Ҳожи Рофе, Мукаммал Бурхоновдан иборат эди.

1909 йил баҳорига келиб, Абдувоҳид Мунзим мактабди ўқу-чилари сонин 30 дан ортади. Мак-табнинг шухрати ва халқнинг рағ-батини кўрган айрим нопок киши-ларнинг унга қарши ҳаракати бош-ланади. Улар Мирзо Абдувоҳид мактабди ҳақида турли иғворлар тар-қатиб, уни ёптириш учун Бурхониддин раисга мурожаат қилади.

1909 йил 25 сентябрда Бурхониддин раис бошчилигидаги аризачилар муфтиларга мактабни ёпиш учун олдиндан тайёрлаб қўйилган фатвоин мухрлатади. Фа-қат Мухаммад Иқром ва Дониёл Ҳўхасадр муфти мактабнинг ҳалоллигига фатво ёзиб мухрлай-ди. Остонақул қушбеги икки хил мазмундаги фатвоини олғач, улар-ни қози Бақоҳўжа йўнаттиради. Қози фатволардан бирини тасдиқ-лашдан олдин янги мактабдаги таълим тартибларини ўрганишга қарор қилади. У ўқитиладиган дарсликлари кўздан кечириб, ша-риатга хилоф эмаслигини, амир-ликдаги барча мактаблар фао-лиятини шу тартибда йўлга қўйиш кераклигини таъкидлайди ва мак-табни қўллаб-қувватлайди.

Бироқ аризачилар маърифат-парвар жадиднинг жонига қасд қилмоқчи бўлишди. Вазият қат-тис тус олғач, Остонақул қушбе-ги ва Бақоҳўжа қозикалон мак-табни ёпиш учун ёзилган фатво-га муҳр босади. Натижада Абдувоҳид Мунзим Бухоро шаҳ-ридан чиқиб кетади ва бир муд-дат Қаршида яшайди.

Абдувоҳид Мунзим кейинчалик яна Бухорога қайтиб, босмахона очади ва муҳаррирлик билан шу-ғулланади. 1912 йили босмахо-насида Мухаммад Иқром муфти-нинг “Машҳур бидъатлар” аса-рини нашр қилади. Шунингдек, Қуръони каримнинг “Абдувоҳид Қуръони” деб аталган махсус нашрини чоп этади. Хаттолик би-лан ҳам шуғулланиб, Аҳмад Донишининг “Наводир ул-вақое” асарини кўчириб беради.

1917 йил февраль ойда Россияда содир бўлган воқеалар Бухородаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиши табиий эди. Бу пайтга келиб, Бу-хородаги тараққийпарварлик ҳара-кати Абдувоҳид Мунзим бошчи-лигидаги эски жадидларга, Файзулла Ҳўжа ва Абдурауф Фитрат бошлиқ янги жадидларга бўлинади. Биринчи гуруҳнинг

асосий фаолияти маърифатпар-варлик бўлса, иккинчи гуруҳ кенг ислохотлар тарафдори эди. Кейинчалик бу икки гуруҳ бирла-шуви натижасида “Ёш бухоролик-лар” партияси тузилади.

Улар февраль инқилобидан сўнг Россия империясида ҳоқи-миятни қўлга олган муваққат ҳуку-мат олдиға тўртта талаб қўяди. Булар амир ҳузурида марказий вакиллик, беқликларда эса ма-ҳаллий вакилликни жорий этиш, шариат томонидан белгиланган солиқлардан ташқари барча со-лиқларни бекор қилиш, мактаб ва матбуот эркинлиги, амир атро-фидаги мутаассиб маъмурларни алмаштиришдан иборат эди. Аммо муваққат ҳукумат бу талаб-ни бажармайдди.

9 апрелда жадидлар ҳаракати-нинг фаол иштирокчилари бўлган Ҳожи Мирбобо, Мирзо Назрулло, Абдурахим Юсуфзода, Аҳмад Наим, Мирзо Абдулфайёзов, Мирзо Аҳмад, Мирзо Абдурашул ва яна кўплаб тараққийпарвар кишилар, жумладан, айрим амалдорлар ҳам зиндонга ташланади. Жадидлар-ни йўқотиш бошланади.

Ана шундай шароитда Абдувоҳид Мунзим Тошкентга кўчиб ўтади ва 1920 йилнинг сен-тябрга қадар Бухорога қайтмай-ди. 1920 йил апрелдан сентябрга-ча “Учқун” газетасини нашр қилиш ишларида иштирок этади. Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилгач, бу ерга келади ва 1920 — 1924 йиллар давомида Марказий ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, халқ маорифи нозирин, соғлиқни сақлаш нозирин лавозимларида ишлайди.

Абдувоҳид Мунзим ўша давр-да миллий мутахассислар, хусу-сан, муҳандислар тайёрлаш мақ-садида бир гуруҳ бухоролик ёшларни Германияга юбориш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинишига қатта ҳисса қўшади. Унга асосан, Абдувоҳид Мунзим маъзур ишни ташкил этиш бўйи-ча гуруҳ раиси этиб тайинлана-ди. 1922 йил июнида унинг шах-сан ўзи бухоролик 44 нафар истеъдодли ёшни Германияга олиб бориб, Берлиндаги ўқув юртли-рга жойлаштиради.

Ўзбекистон ССР ташкил этил-гач, Абдувоҳид Мунзим Ўзбеки-стон Маориф халқ комиссарлиги вақф бўлими бошлиғи этиб тайинланади. 1928 йили совет ҳукумати томонидан вақф мулк-ларининг бутунлай тугатилиши на-тижасида бўлим ёпилади ва шу тарика Абдувоҳид Мунзим давлат идораларидаги фаолиятини тўхта-тиб, 1930 йилдан “Тожикистони сурх” газетасида ишлайди. Бутун умр ҳаёт зарбаларга матонат билан бардош берган ва маъри-фатли авлод тарбияси учун ўз ум-рини бахшида этган Абдувоҳид Мунзим 1934 йилда касалликка чалиниб, Душанбе шаҳрида ва-фот этади.

Уйлағимизки, ўзбек миллати ой-динларидан бири бўлган Абдувоҳид Мунзимнинг меросини ўрганиш ва илмий муомалага кириштиш та-рихчи, адабиётшунос ва педагог олимлар олдидаги муҳим вази-фалардан бири ҳисобланади.

Дилноза ЖАМОЛОВА,
ЎзРФА Тарих институти
докторанти, тарих фанлари
бўйича фалсафа доктори.

ЭЪЛОНЛАР

КИЧИК НОВВОЙХОНА

керамик иситкичларда (тандир усулида)

Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:

- 1) Нон (лепёшка) — 60 та.
- 2) Булочкалар 15х15 см. — 108 та.
- 3) Сомса 12х12 см. — 128 та.
- 4) Пицца 45х45 см. — 20 та.

Электр энергияси истеъмоли
сарфи — 8.4 кВт.

Ёнғинга хавфсиз, қулниши
ўзгаришига мослаштирилган
(фаза номутаносиблиги).

12 ойлик кафолат.

5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.

Нархи 10 миллион 950 минг сўм.

Мурожаат учун телефонлар:
95-169-68-51, 71-279-38-54.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 30 067 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Гезитамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезитанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезита тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади.

Гезитанинг полиграфия ҳақидадан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаххўх — Ш. Машраббоев.

“Шар